



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA


2012-yil 5-sentabr, chorshanba * № 38 (790) * 1996-yil dekabr dan chiqra boshlagan * elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифи билан 2012 йил 6-7 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлади.

Учрашув ва музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ташриф якунлари бўйича Қўшма баёнотни қабул қилиш, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган бошқа икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.



© 2012 йил - Мустақкам оила йили

Янги маданий-маърифий марказ

Тошкент шаҳридаги Бешёғоч кўчасида «City Makon» маданий-маърифий кўнгилочар маркази очилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда ижодий ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва сийлик кенгаши раиси Г.Каримова мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши, маънавияти ва дунёқарашини бойитиши, бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Мазкур марказ ҳам ана

шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Ўқув-маърифий марказ, спорт майдончаси, замонавий 3D форматдаги кино-зал, савдо ва овқатланиш шохобчалари, болалар майдончасидан иборат ушбу масканда ўғил-қизлар ўз бўш вақтини унумли ўтказиши учун барча шароит яратилган. Жумладан, ўқув-маърифий марказида турли бадиий, фото кўргазмалар, анжуманлар, маҳорат сабоқлари, очик дарслар ўтказилади, бадиий ижодиёт тўғрисида олиб борилади. Замонавий виртуал технологиялар ёрдамида ўқувчилар ўлкашунослик, география, маданият ва санъатга оид билиmlарини янада мустақкамлаши мумкин.

— Болаларнинг ўқишга кизиқишининг ортишида мактабдан ташқари таълим муассасаларининг аҳамияти беқиёс, — дейди «Yangi avlod forumi» болалар ижодиёт маркази директори Мақсуда Раҳматуллаева. — Ушбу марказда яратилган шароит ўқувчи-ёшларнинг истеъдодини намойиш этиш, билимини янада мустақкамлаш ва бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

Назолат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Суратларда: Тошкент шаҳридаги Бешёғоч кўчасида очилган «City Makon» маданий-маърифий кўнгилочар маркази.

Ё.ШАМСИДИНОВ
(ЎзА) олган суратлар



ЖЎРАКЛИК РАСУЛ БОБО ДЕДИКИ...

— Эндиликда қишлоқ одамларига давлатнинг ўзи тайёр уй-жойни қуриб беришти, — дейди Расулжон ота. — Ҳар уйлари, жамолига боқиб тўймайсан. Биргина бизди Жўрақда бу йил элликта хўжалик ана шундай янги ҳовли-уйларга кўчиб ўтишади.



3-бет

ТҮРТ ҚАНОТЛИ СУПЕРСАМОЛЁТ

НАСА маъмурияти янги, овоздан тез учадиган, ёни билан ҳаракатлана оладиган аппарат яратилишига қирришти. Бу оддий самолётдан кўра кўпроқ афсонавий НУЖларга ҳам ўхшаб кетади.



5-бет

ЁРҚИН ЮЛДУЗЛАР

Гофил вақт, сен мендан қолясан ортда,
Дунё, қара, сендан ўзиб кетяпман.
Орзулар йўлида, мақсад йўлида
Фов келса, тўфондек бузиб ўтяпман,



6-бет



«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

► «ПАРАЛИМПИЯ ҲАМПИОНЛАРИ – 2012»

Ҳамюртимиз — Осиё рекордчиси

Лондон шаҳрида давом этаётган XIV ёзги Паралимпия ўйинлари дастуридаги сузиш мусобақасида ҳамюртимиз Кирилл Панков Осиё рекордини ўрнатди.



Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг ҳам спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистон-

лик паралимпиячиларнинг халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб, матонат ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаётгани бунинг ёрқин далилидир.


XIV ёзги Паралимпия ўйинларининг 100 метрга баттерфляй усулда сузиш баҳсларида иштирок

этган спортчимиз Кирилл Панков белгиланган масофани 59,37 сонияда сузиб ўтиб, олтинчи ўринни эгаллади. Бу натижа Осиёнинг янги рекорди сифатида қайд этилди.

К.Панковнинг 100 метрга чалқанча усулда сузиш бўйича саралаш мусобақасида кўрсатган натижаси ҳам ҳакамлар томонидан Осиё рекорди сифатида баҳоланди.

Энди ўн етти ёшни қаршилаётган иқтидорли спортчимиз сузиш бўйича мамлакат чемпионатида бир неча бор голиб ва совриндор бўлган. Жорий йил АҚШда ўтказилган халқаро турнирда олтин медални қўлга кiritган.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири



ОБУНА – 2013

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар!
«HURRIYAT» газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.

2013 йил учун обуна давом эттирилмоқда. Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг. Обуна бўлинг!



«HURRIYAT» ГАЗЕТАСИ
СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИНГ
БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслайтиб ўтамиз:
«HURRIYAT» нинг нашр индекси — 233

ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ҲАР БИР БОЛАДА КАТТА ИСТЕЪДОД ЯШИРИН

Мамлакатимизда имконияти чекланган болаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли кейинги йилларда улар ўзларини жамиятнинг теппа-тенг аъзолари деб билиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Айниқса, ушбу хайрли ишларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳам ўрни ва роли яққол намоён бўлаётгани эътиборлидир. Термиз шаҳридаги «Имкон» ногирон болалар ва уларнинг оиласини қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Соҳиба Зияватдинова билан бўлган суҳбатимиз чоғида бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Соҳиба опа, марказ фаолияти билан танишиш асосида амалга оширилаётган барча ҳаракатларингиз мазмун-моҳияти ташкилот номида мужассам эканлигини сезиш қийин бўлмади...

— Одатда, қандайдир жисмоний нуқсонлар билан туғилган болалар ҳақида гапирганимизда

расмий тарзда, албатта, «имконияти чекланган» иборасини ишлатамиз. Бироқ, биласизми, баъзан табиатнинг мўъжизавий тантилигига ҳам қойил қолиш керак: ҳар қандай «чекланган имконият» билан туғилган болага табиат унинг ана шундай тугма нуқсонларини тўлдириш мумкин бўлган, аммо барчамиз ҳам ҳар доим англай ол-

майдиган беқиёс яширин истеъдодни берган бўлади.

Машҳур «Кўр мусиқачи» асари қаҳрамонини эсланг. Табиат бу ёруғ оламни кўришдан бена-сиб қилиш баробарида унга улкан истеъдод, яъни бутун борлиқни му-сика орқали «кўриш», ан-глаш имкониятини туҳфа этади. Шу маънода, бу-гун бизнинг атрофимиз-даги айрим жисмоний нуқсонлар туфайли туш-қун ҳолатдаги болалар-да улкан истеъдод, имко-ният бўлиши, шубҳасиздир. Марказимизнинг асосий вазифаси эса ногирон болалардаги ана шу яши-рин имкониятларни то-пиш ва уларни соғлом тенгдошлари билан бир қаторда туриши йўлида самарали фойдаланишга йўналтиришдан иборат. Марказимизнинг «Имкон» деб аталиши ҳам, асли-да, жисмоний чекланган болалар жисмида яширин бўлган ана шу мўъжиза-вий имконият-ларга ишора-дир.

211

Имконияти чекланган ҳар бир болада катта истеъдод яширин

(Бошланғич 1-бетда.)

— **Ўз номи билан нодавлат нотижорат ташкилот бўлган марказ учун ногирон болалар ва уларнинг оилаларини ҳар тарафлама ривожлантиришга кўмаклашиш, ҳаётда ўз ўринларини топишга ёрдам бериш, мустақил ҳаёт тарзини олиб боришга ўргатиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғломлаштиришдан иборат бўлган асосий мақсадни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Шундай эмасми?**

— Марказимизнинг турли лойиҳаларда иштирок этиши ва ана шу лойиҳаларни амалга ошириши баробарида қўзланган мақсадларни ижро этиши асосий аънаъга айланган. Жумладан, 2007 йилдан буён Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди (ИТКФ)нинг "Мақтаблар ва болалар боғчаларида инклюзив таълими амалга татиқ этиш" лойиҳаси доирасида Термиз шаҳридаги болалар боғчалари ва умумтаълим мактабларида инклюзив таълимини жорий этиш бўйича кўламли ишлар олиб борилди. Лойиҳа мақсадларига кўра таълим олишда алоҳида эҳтиёжга муҳтож болалар учун бир хил шaroит яратиш учун Термиз шаҳридаги 1-, 10-мактабларга 7 нафар алоҳида эҳтиёжга болалар инклюзив таълими тортилди ҳамда 16-сонли мактабга таълим муассасасига 3 нафар алоҳида эҳтиёжга болалар жалб этилиб, улар соғлом тенгдошлари қаторида таълим-тарбия олишига шaroитлар яратиб берилди.

Фаолиятимиз давомида халқаро ташкилотлар томонидан таклиф этилган ва мақ-

сад-моҳияти айнан ногирон болалар саломатлигини тиклаш, уларни мактабларда таълим олишлари кўмак бериш мумкин бўлган лойиҳаларда иштирок этишга ҳаракат қилдик ва бу соҳада маълум бир муваффақиятларга эришдик. Хусусан, 2007-2008 йиллар давомида Осий тараққиёт банкнинг республика Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликдаги JFPR-UZB "Имкониятлари чекланган болалар учун умумий таълим" грант лойиҳасини амалга ошириш натижасида Шўрчи туманидаги 68-, 122-сонли махсус мактаб-интернатлари ҳамда 1-, 3-, 8-, 33-умумтаълим мактабларида имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълим ташкил этилди.

— **Бугун имконияти чекланган болаларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этиш асосий масалалардан бири бўлиб турибди.**

— Дарҳақиқат, фаолиятимиз мақсадининг асоси ҳам шу, десам, хато бўлмайди. Фойдали меҳнат билан шуғулланиш алоҳида эҳтиёжга эга бўлиши шундан келиб чиққан ҳолда жалб қилиш орқали иш билан таъминлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат

фонди гранти бўйича "Имконияти чекланган аёллар ва оиласида имконияти чекланган боласи бор оналарни оилавий бизнесга ўргатиш консултиватив марказини ташкил қилиш" лойиҳаси айни шу мақсадларга қаратилгани билан ажралиб туради. Мазкур лойиҳа мақсади кўра вилоятдаги Ангор, Жарқўрғон туманлари, шунингдек, Термиз шаҳридаги йигирмага яқин маҳалларда имконияти чекланган аёллар ҳамда имконияти чекланган боласи бор оналар учун "Ўз бизнесининг бошла" мавзусида семинар-тренинглар ташкил этилиб, ушбу тадбирларга 200 нафардан ортиқ киши жалб қилинди. Ўтказилган семинарларда имконияти чекланган боласи бор оилаларда оилавий бизнесни ташкил этиш, ижтимоий инклюзив таълим ва кулайликлари хусусида қимматли маслаҳатлар ва кўрсатмалар берилди. Шу билан бирга, ушбу мавзуда Термиз шаҳридаги Ахборот технологиялари коллежи, Банк коллежи, ижтимоий иқтисодий касб-хунар коллежларида ҳам ўқувчи ёшлар учун махсус семинар-тренинглар ўтказилди. Мазкур семинарлар бир жиҳатдан ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган болаларда иқтисодий кўникмалар пайдо қилиш баробарида уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий саводхонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ва бу ислохотлар самарасидан

ҳабардор қилишга қўл келгани билан иштирокчилар эътирофига сазовор бўлди.

— **Англашимча, аксарият ҳолатларда имконияти чекланган болаларни нафақат махсус билим даргоҳларида, балки барча соғлом болалар қаторида умумтаълим мактабларига жалб қилиш ишларига ҳам алоҳида эҳтибор қаратилаётган экан. Умуман, жисмонан нуқсонли мавжуд болаларнинг соғлом тенгдошлари билан бир синфда ўқиши жараёнида улардаги ўзаро муносабатларда номуносивлик, психологик тўсиқлар кўзга ташланган қузатилдими?**

— Алоҳида эҳтиёжга болалар нафақат умумтаълим мактаблари, балки махсус мактаб-интернатларга жалб қилинган дастлабки кунларда, болаларда кўникма ҳосил бўлгунча вақт мобайнида, таъқидлаганингиздек, турли психологик тўсиқлар бўлиши табиий. Бу ҳол, айниқса, бошланғич синфлар, шунингдек, мактабга таълим муассасаларида кўпроқ қузатилади. Лекин вақт ўтиши билан бу тўсиқлар аста-секин енгил бўлилади. Айниқса, умумтаълим мактабларида ташкил этилган инклюзив ўқувга тортган алоҳида эҳтиёжга болаларда бу ҳолат жуда тез ўтиб кетади. Бунга асосан инклюзив ўқувга жалб этилган болалар мутлақо соғлом ўқувчи таълим олаётган синфда, мактабда бир хил муҳит яратиши, ҳар қандай кўриниш

даги тафовутларга йўл қўймаслик орқали эришиш мумкин. Умуман олганда, алоҳида эҳтиёжга болаларни одатдаги умумтаълим мактабларида ўқитишни ташкил этишдан мақсад ҳам биринчи навбатда жисмоний нуқсонли бола назаридаги соғлом тенгдоши орасида мавжуд бўлган руҳий-маънавий тўсиқларни мутлақо бартараф этиш, жисмоний нуқсонли бола ҳам соғлом тенгдоши билан теппа-тенг бўлиш, касб-хунар эгаллаши учун барча шарт-шaroитларни яратиб беришдан иборат. Биз фаолиятимиз давомида озми-кўпми ана шу мақсадга эришган бўлсак, демак, ўз олдимизга қўйилган вазифани маълум даражада ҳал қилдик. Энг асосийси, амалга оширилган ишларимиз, саъй-ҳаракатларимиз натижасида ўзини жамиятнинг тенг аъзоси сафига қўришни истаган ҳар бир алоҳида эҳтиёжга муҳтож ўғил-қиз кўзида қувонч, мамнуликни қўришга муяссар бўлсак, шунинг ўзи фаолиятимизга берилган ижобий баҳодир. Қолаверса, соғлом болалар қаторига қўшилган ҳар бир ногирон фарзанд биринчи галда ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ўйлашининг ўзи нафақат унинг ўзи, балки унинг атрофидаги дўстлари, ота-онаси, биз тарбиячилар, қолаверса жамият учун ҳам катта бахт.

Суҳбатдош: Даврон ОРИПОВ, «Hurriyat» муҳбири

ННТ фаолиятдан

Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллик тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун барча жабҳаларда ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлди. Мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустақамланиб бораётир.

Аҳолининг ишончи ортмоқда

Айниқса, кейинги йилларда юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Соҳада миллий ҳаракат дастурининг ишлаб чиқиши, инсон ҳуқуқлари оид кўплаб халқаро шартномалар ва ҳужжатларнинг қабул қилинаётгани фикримиз далилидир.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳа ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаятган, тарихида 195 та туман ва шаҳар жамияти, тўққиз мингдан ортиқ таянч гуруҳлари фаолият кўрсатаётган, беш юз минг аъзога эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилотдир. Бугунги кунда ташкилот соҳага оид қатор қонун ва қарорлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, фуқароларнинг истеъмол маданиятини оширишга, айниқса, ёшларнинг чуқур ҳуқуқий билимга эга бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шу ўринда Юртбошимиз илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бугунги ҳаётимиз ва фаолиятимизда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Унда ўз ифодасини топган ислохотлар бир-ички йилга эмас, балки ўнлаб йилларга мўлжалланган ҳал қилувчи муҳим вазифаларни ўзида мутасаммалаштиргани билан қадридир.

Концепцияда белгилаб берилган "Ижтимоий шериклик" тамойилига асосан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Давлат солиқ қўмитаси, "Адолат" социал-демократик партияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини ўргатиш мустақил институти, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари", "Қонунни билиш — келажак истиқболни қўриш демакдир", "Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жамиятдаги ўрни", "Фуқароларнинг муурожаатлари ҳамиша эътиборда" каби мавзуларда кўплаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг "Мустақам оила йили" деб номланиши олдимизга талай масъулиятли вазифаларни қўйди. Ушбу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун йил бошида янги ташаббус ва амалий саъй-ҳаракатлар бўйича чора-тадбирлар белгилаб олдик. Унга кўра, "Мустақам оила — жамиятнинг таянчи", "Соғлом она — соғлом бола", "Тиббий кўрик — мустақам оила асоси", "Оилада истеъмол маданиятини шаклланиши" каби ўнлаб мавзуларда семинарлар, давра суҳбатлари, қизиқарли учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда. Бу тадбирларга ҳамкор ташкилотларимиз билан бир қаторда Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази вакиллари таклиф этилиб, бу борада олиб борилаётган ишлар билан аҳоли таништириб борилмоқда.

Ўтказилаётган тадбирлар орқали аҳолининг барча қатламлари билан янада яқинроқ бўлиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишмоқдамиз. Шунингдек, уларни қизиқтираётган мавзуларда сўровномалар ташкил этаётганимиз, улар бераётган таклифлар ҳам фаолиятимизда яхши самара бермоқда. Қувонарлиси, бугунги кунда аҳолининг ташкилотимизга ишончи тобора ортиб борапти. Буни улардан савдо сотиқ, газ таъминоти, ичимлик суви, электр энергияси, жамоат транспорти, почта алоқаси, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар бўйича тўшаётган муурожаатларнинг бирмунча кўпайганидан ҳам билиш мумкин. Федерация ва унинг худудий тузилмаларига жорий йилнинг ўтган даврида аҳолидан 5834 та ёзма ва оғзаки муурожаат ва аризалар тушган бўлса, уларнинг 91,9 фоизи ижобий ҳал этилиб, 1 миллиард 118 миллион сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарар истеъмолчилар фойдасига ундириб берилди.

Ақром МИРАЗИЗОВ, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси

Замонамиз ёшлари

Илмий изланишлар самараси

Фарзанд оиладаги ёши катталарнинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларини ўзлаштириб ўлғайиши табиий ҳол. Агар у яхши фазилатларни қалбига сингирса, масалан, касб-корга, меҳнатга бўлган ҳавас билан камол топса нур устга аъло нур. Замондошимиз Рашидбек Худойқулов ҳам болалигидан ота касбига ҳавас қилган ёшлардан бири. Бу унга бугун ён-атрофидагилар ўртасида ҳурматга сазовор бўлишига асқотди. Албатта, орзуга етиш учун хоҳиш ёки ҳаваснинг ўзи қаҳрамонимизга етарли бўлмади. Бунга ота-онанинг, устозларининг кўмаги катта мадад бўлди.

Рашидбек 2005 йили Тошкент автомобиль йўллари институтига ўқишга кирди. Таълимнинг магистратура босқичида эса у ўзи танлаган илмий фаолиятини техника фанлари доктори А.Қаюмов раҳбарлигида давом эттириб, "Йўл тушадиган ерни қўшимча худудидан кенг тарқалган

шўрланган ерларнинг мустақамлигини ҳар хил кўшимчалар билан ошириш борасида тадқиқот ишларини олиб борди. Таълимнинг магистратура босқичида эса у ўзи танлаган илмий фаолиятини техника фанлари доктори А.Қаюмов раҳбарлигида давом эттириб, "Йўл тушадиган ерни қўшимча худудидан кенг тарқалган

лаш" мавзусида магистрлик ишини ёқлади.

Тадқиқотлар натижаси ўлароқ, синов тажрибалари муваффақиятли яқунланган, янгилик амалиётда қўллаш учун тавсия қилинди. Илмий изланишлари эса маърузалар жамланмаси ҳамда услубий қўлланма сифатида чоп этилди. Ҳозирда лавҳамиз қаҳрамони ўзи таҳсил олган институтда илмий тадқиқотларини давом эттириб, киритган янгиликларини давлат патент идорасига ихтиро сифатида эълон қилиш учун топширди.

Ёш олим айни пайтда йўл қўришида сифатининг пайсайишга таъсир кўрсатувчи омилларга қарши курашининг илмий усуллари йили яратиш ниятида. Ўйлашимизки, унинг изланиш ва интилишлари келгусида юртимиз йўллари сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.


Шаҳноза ТЕШАЕВА

СОҲАГА БИР НАЗАР



Касб малакаси ОШМОҚДА

Ички ишлар идораларининг тезкор хизмат фаолияти автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тақозо этади. Бинобарин, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан тизимдаги транспорт воситаларининг техник ҳолатига, улардан фойдаланишнинг оқилона ташкил этилишига, мутахассислар ҳамда хайдовчиларнинг касбий тайёргарлик даражасига боғлиқ. Шунга кўра, тизимдаги автохўжаликларда ҳар бир хайдовчидимга малакали хайдовчи-ҳодим мураббий этиб бириктирилган. Кўп йиллардан буён амалда бўлган мазкур «Устоз-шогирд» тизими ёш хайдовчиларнинг билим ва малакасини оширишда қўл келмоқда.



— Автотранспорт воситаларини тегишли тартибда техник кўриқдан ўтказиш, бу жараёнда автомобилнинг барча қисмлари соғлом ҳолатда бўлишига жиддий эҳтибор қаратиш лозим, — дейди ИИВ Хўжалик бошқармаси автохўжалиги бош муҳандиси, сержант Абдулло Аббаров. — Бундай техник кўрик, аввало, ички ишлар идораларида тезкор хизмат фаолиятини самарали юритишнинг кафолатидир.

Сурагларда: автохўжалик мутахассислари иш пайтида.

Шаҳноза БОБОЕВА

Устозлар ўғити панд бермайди

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Ромитан тумани кенгашининг ўқув спорт-техника клуби жамоаси ёшларни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматга қаҳиролувчиларга бошланғич ҳарбий кўникмаларни эгаллашда ҳар томонлама кўмаклашиш, улар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, қолаверса, малакали хайдовчи кадрлар тайёрлаш борасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Сўнгги йилларда ўқув спорт-техника клуби томонидан кўплаб спорт мусобақалари ўтказилиб, клуб жамоасининг вилоят ва республика спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирокига эришилди. Жумладан, дутатлон ва ёзги биатлон бўйича ўтказилган вилоят биринчилигида спорт-

чиларимиз фахрли 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида ҳам муносиб қатнашишди. Чунончи, ёзги биатлон бўйича Шухрат Бўронов фахрли 2-ўринни эгаллади.

Кейинги пайтда вояга етмаган ёшлар фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратялмиз. Улар ҳам моддий,

ҳам маънавий қўллаб-қувватлаб, спорт тўғрисидаги ҳар хил таълим ва таълимчилик бўлими билан ҳамкорликда ишларни олиб борди. Таълимнинг магистратура босқичида эса у ўзи танлаган илмий фаолиятини техника фанлари доктори А.Қаюмов раҳбарлигида давом эттириб, "Йўл тушадиган ерни қўшимча худудидан кенг тарқалган

Клубимиз томонидан малакали хайдовчилар тайёрлаш ишлари ҳам муваффақиятли амалга ошириляпти. Бунинг учун амалий машғулот хоналари замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланиб, тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Маънавият ва маърифат хонаси ҳамда «Д» тоифали ўқув хонаси ҳам таъмирланиб, зарур ўқув-техника воситалари билан қайта жиҳозланди.

Ўз навбатида, амалий машғулотлар ўтказиш учун 6 та енгил ва 2 та юк автомобиллари ҳамда 2 та авто-

бус таълим олувчилар ихтиёрида. Ёшларга махсус билим ва тажрибага эга бўлган ўқитувчи ва ўргатувчи-устозлар соҳа сир-синоатларини ўргатиб келишмоқда.

Кези келганда, ёшлар ўқишини ташкил этишда ўқитувчилардан Ҳикматулла Камолов, Абдулла Тўйов, Мирзо Бердиев, Шамсиддин Амонов, ўргатувчи-устозлардан эса Чори Ҳамдамов, Раимжон Шомуродов, Элмурод Бозоров ва Иноят Музаффаровнинг хизматларини алоҳида таъқидлаб ўтиш жоиз. Тажрибали ўқитувчи ва ўргатувчи-устозларнинг назарий ва амалий кўникмаларини кунт билан ўрганаётган бўлажак хайдовчилар имтиҳонларни муваффақиятли топширишмоқда.

Муроджон ҚОЖИЕВ, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Ромитан тумани кенгаши ЎСТК бошлиги

“МУСТАҲКАМ ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИГА

Солиқ тизими

МАҲАЛЛАДАН МАҲАЛЛАНИНГ ФАРҚИ БОР

ОИЛАВИЙ КОРХОНА

ёхуд унинг ҳуқуқий-ташкилий шакли

Жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёшларни ҳаётга тайёрлаш, ҳуқуқий маданиятини ошириб, манфаатларини ҳимоялаш ҳамда қўллаб-қувватлаш ишларида ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалланинг тутган ўрни беқиёсдир. Маҳалла фаоллари томонидан жойларда олиб борилаётган кенг қамровли фаолият туфайли фуқароларнинг воқеликка муносабати ўзгармоқда, оилалар мустаҳкамлиги ва қонун устуворлиги таъминланишига эришилмоқда.

Нуксудаги “Сарвиноз” маҳалласида бир ёш оила бор. Уста Даврон Дўсчановнинг оиласи, деса ҳамма танийди. Даврон ўз хунари билан нафақат маҳаллада, балки шаҳарда ҳам обрў топанлардан бири эди. Бироқ у қимларнингдир алдовига учиб мўмай даромад орттириш мақсадида ўзга юртда ишлаганини айтиб қолди.

Муносиброқ иш излаётганини кўшиб қўйди. — Хафа бўлманг, “узоқнинг бугдодидан, яқиннинг сомони яхши”-лигини англабсиз, шунинг ўзи ҳам билганга катта бахт. Иш масаласига келсак, эртага идорага чикинг, батафсил сўхбатлашиб, муаммони биргаликда ҳал қиламиз, — дея хайрлашди оқсоқол.

Оқсоқол рост айтган экан. Эрталаб маҳалла идорасига борса, ўзи сингари яна ўн нафар норғул йигит ўтирибди. Оқсоқол улар билан бафуржа сўхбатлашиб олган, икки кундан сўнг бу ерда меҳнат ярмаркаси ташкил этилиши, насиб қилса барча ишли бўлишини айтди.

Уша тadbирда Даврон ҳам кўплар қатори доимий иш ўрнига эга бўлди. Бу ҳали ҳаммаси эмас эди. Маҳалла фаоллари унинг оилавий шароитини обдон ўрганиб, моддий ёрдам кўрсатишди. Шу жойда яшовчи тadbиркор эса унинг хонадонига бир бош соғин сигир ва эллик дона товуқ олиб берди. Аини пайтда мазкур хонадон аҳли бошқалар қатори ўзини ўзи иқтисодий таъминлашга рўзгор бошлиғидан ташқари икки киши оилавий тadbиркорлик билан шуғулланипти. Қорамол ва паррандадан олинаётган маҳсулотларни сотиб уларнинг сонини кўпайтиришга эришилди. Шаҳар

марказида яшаб, ана шундай юмушлар билан шуғулланишининг ўзи катта гап.

Иш билганга минг танга экан. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ижросини ҳаётга татбиқ қилишда маҳалла оқсоқоли ва унинг атрофида жипслашган фаолларнинг ишбилармонлиги бозор иқтисоди тамойилларини тўғри талқин этишлари натижасида эндиликда бу жойда умргузaronлик қилаётган 7500 нафар аҳолининг меҳнатга яроқли қисми тўлиқ иш билан банд.

Тўғри, ҳозирги пайтда ҳамма жойда ҳам ишлаб чиқариш корхоналари узуқсиз фаолият кўрсатаяпти, деб бўлмайди. Аммо “Сарвиноз”ликлар “берса ейман...” дейдиганлар хилдан эмас. Юртбошимизнинг кичик бизнес ва тadbиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган ҳаётбахш фармон ва қарорлари бошқалар сингари маҳалла аҳли учун ҳам дастуриламал бўлмоқда.

Шу асосда жорий йилнинг ўтган ойларида бу ерда аҳолибop маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган 10 дан ортқ кичик цехлар ишга туширилиб, 214 нафар йигит-қизнинг доимий бандлиги таъминланди. 5 нафар тadbиркорнинг банк билан боғлиқ муаммолари маҳалла фуқаролар йиғини раисининг аралашуви билан ўз ечимини топди.

Асосий эътибор оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилди. Бунда турли миллат вакилларининг миллий анъаналарини ривожлантириш, аҳиллик-иноқлик ақидаларини тарғиб қилишга кенг ўрин берилди. Бундан ташқари, “Энг яхши оила” “Намунали хонадон”, “Аҳил оила — маҳалла фаҳри” сингари қатор тadbирлар, кўрик-танловларнинг мунтазам ўтказилиши одамларни ўзи истикомат қилаётган маҳалласига янада жипслаштирмоқда.

Намунали оилалар тажрибаси, уларнинг турмуш тарзи ибрат тариқасида оммалаштириляпти. Бирок, барибир, бу жиҳатдан муаммолар тўлиқ барҳам топди, деб бўлмас экан. Ушбу маҳаллада ҳам ҳаёт синовларига бардош беролмасдан, рўзгор ташвишларига енгил қарайдиганлар баъзан учраб туради.

Маҳалла оқсоқоли Мурот Тиломуратовнинг эътирофица, баъзи ёш оилалардан аҳилликнинг кўтарилишида асосан ота-оналарнинг бўлар-бўлмас масалаларга аралашуви сабаб экан. Яқинда ана шундай иккита оила фаоллар ўртасида муҳома қилинди. Оила бошлиқлари билан бақамти сўхбат ўтказдилар тушунтиришлар берилди. Муҳими, бу ота-оналар ўз ишларидан пушаймон бўлиб, фарзандлари билан апоқчапоқ бўлишди. Ҳозир ҳар иккала оила ёшлари аҳил-иноқ яшашаяпти.

Умуман, бу маҳаллада яшовчиларнинг ҳар бири фаоллар эътиборида: оқсоқоллар ва кўпни кўрган тажрибали инсонлардан иборат гуруҳ вақти-вақти билан хонадонларга ташриф буюриб, бир пиёла чой баҳонасида сўхбатлар ўтказишади, шу фурсатда хонадондаги ютуқ ҳамда муаммолар ҳам назардан четда қолмайди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва кўп болали оилалар, ногиронлар эса ижтимоий ҳимояланган. Маҳаллада фаолият олиб бораётган тadbиркорлар даромадлари ҳисобидан маълум фоизини уларга улашиши анъана тусига кирган. Бир сўз билан айтганда, Нукс шаҳридаги “Сарвиноз” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ибратли ишлар эндиликда 50 дан ортқ маҳалла оммалаштирилиб, ижтимоий муаммоларни бартараф этишдаги тажрибалари кенг ўрганилмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
журналист

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, турмуш тарзини фаровонлантиришга қаратилган масалаларни қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Ўзбекистон Республикаси «Оилавий тadbиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам бу борадаги сай-ҳаракатларнинг изчил давом эттирилиши билдиради.

Мазкур қонуннинг мақсади республикамизда оилавий тadbиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, ўз бизнесини йўлга қўйишни ихтиёр этган оила аъзоларининг мулкий жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш орқали даромад (фойда) олишига қафолат беради.

Оилавий тadbиркорлик юридик шакс мақомидаги корхонани ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шакс бўлмаган тақдирда эса оилавий корхона мажбуриятлари бўйича оилавий субъектдир. Бундай корхона фаолияти иштирокчиларнинг шахсий меҳнатига асосланади. Зиммасидаги мажбуриятларига кўра ўзига тегишли барча мол-мулк билан қонун олдида жавоб беради. Мол-мулкни шакс бўлмаган тақдирда эса оилавий корхона мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай корхоналар субсидияр жавобгар ҳисобланади.

Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, иштирокчиларнинг улушли ёки биргаликдаги мулкидан иборат бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, улардан ҳар бирининг мол-мулк негизида ташкил этиладиган кичик тadbиркорлик субъектидир. Бундай корхона фаолияти иштирокчиларнинг шахсий меҳнатига асосланади. Зиммасидаги мажбуриятларига кўра ўзига тегишли барча мол-мулк билан қонун олдида жавоб беради. Мол-мулкни шакс бўлмаган тақдирда эса оилавий корхона мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай корхоналар субсидияр жавобгар ҳисобланади.

Корхона иштирокчилари, фаолият тури учун зарур бўлган унинг ёлланма ходимлари умумий сони кичик тadbиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Аини пайтда иштирокчиларнинг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги ҳам керак.

Ўз ўрнида оилавий корхона ўзининг тўлиқ ёки қисқартirilган номига ва қисқартirilган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Оилавий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номи ва «oilaiviy korxonа» деган сўзларни ўз ичига олиши лозим. Қисқартirilган фирма номи эса унинг қисқартirilган номи ва «oilaiviy korxonа» деган сўзларни ёки ОК аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

Қонуннинг 5-моддасига кўра, оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатта қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин. Бунда улар фақат муомалага лаёқатли бўлишлари талаб этилади.

Давлат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин эмас. Бир оилавий корхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий корхона иштирокчиси бўлишига ҳам йўл қўйилмайди.

Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни нақд пулли ва (ёки) нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича реализация қилиши мумкин. Маҳсулотни реализация қилиш учун ишлаб чиқарилган жойда амалга оширилади.


Оилавий корхонада ҳисоб ва ҳисобот, шунингдек, унинг фаолияти устидан статистика қузатувлари кичик тadbиркорлик субъектлари учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Фахриддин АБДУНАБИЕВ,
Сирғали тумани ДСИ бўлими бошлиғи

Жўрақлик Расул бобо деддики...

Шукрона

Дехқончиликнинг асл билимдонлари Олтиариқда яшайди, дейишади. Ҳақ гап. Улар ер билан диллаша оладиган, тиллаша оладиган одамлар. Ўзбекистон Қаҳрамони Юрсинали Жўраев, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходимлари Лолахон Муродова ва Қудратали Тўйчиев, Икромали Холмуродов, Исроилжон Жўраев... Уларнинг ўғитлари шундай: “Ерни суйсанг, уни ўз онангдек билиб, қадру қимматини жойига қўя олсанг, ер ҳам сенга беиннат, саховатли онадек дўз кўксини тутадн”.



— Қир ошиб кўйдик, етмишдан ҳам ўтдик, — дейди уларнинг издошларидан бири — Расулжон ота Йўлбарсов бироз ўйланиб. — Аммо-лекин, хўп яшайдиган замонлар келди-да. Болаларди, неварачевараларди икболини кўриб юришга нима етсин!

— Тўғри айтасиз, — дейман отахонга. — Бирок қир ошиб кўйдим, дейишингиз ноҳоиз. Унча-бунчага ён бераверманг. Бу ҳовлида сиз ҳали жуда кўп тўйлар қиласиз...

Бу қишлоқда, бу хонадонда кўп бўлганман. Расулжон отанинг бир гапи бўларди: Ризқ деган нарса учта ака-укадан иборат экан. Улардан иккитаси шаҳарда, биттаси қишлоқда яшаркан. Қишлоқда яшовчи ана шу кенжаси ҳам ҳар кун тушдан кейин шаҳарга чиқиб кетар экан...

Мен унга ҳазил оҳангига ўша гапни эслатиб, ҳалиям ўша фикрдасиз, дея сўрадим.

Расулжон ота хиёл жилмайиб, бир дам сукутда ўз фикрини галвирдан ўтказди, кейин вазимин сўз қотди: — Ўзингиздан қолар гап йўқ, у даврларда қишлоқ одами қора терга ботиб ишларди-ю, лекин амал-тақал қилиб яшарди. Бахтимизга Истиклол келиб, бизларниям елкамизга офтоб теғди. Ўзингиз Мустақиллик эндигина йўлга чиққан кунлари бир келишингизда, “Укинманг, шаҳарлик ўша иккитасиям қишлоқдаги ука-

синикига қатнаб қоладиган кунлар келади” девдингиз. Ҳозир, назаримда, учала ака-укаям қишлоқда яшаётгандек туюлади.

Расулжон ота нимага ишора қилаётганини билдим. Олтиариқ, унинг қишлоқлари қиёфаси Истиклолдан олдин қандай эди-ю, ҳозир қандай? Айттайлик, Жўрак қишлоғини оладиган бўлсак, кечатидек эсимда: гувалали ёки пахса деворли пастқам уйлар, қишда лой, ёзда тупроқли ноҳор кўчалар. Битта ноҳор мактаб, кутубхона, дўкон ва сартарошхона. Етмиш йил ичиди орттирган бор-йўқ ободончилик шў эди. Ҳозир-чи? Кўчалар ёқасидан қатор жой оилан хашаматли уйларга боқиб, бу бинолар лойиҳачиси ким экан, дейсиз. Дарвозалардан кириб чиқайтган “Нексия”, “Матиз”, “Дамас”ларни кўриб, бу қишлоқда машина олмангани қолмабди, шекилли, деб ўйлайсиз. Бир қишлоқнинг ўзида хашаматли педагогика коллежи, замонавий андозадаги тўртта мактаб, шифохона, поликлиника ва қишлоқ врачлик пункти, савдо ва маиший хизмат шохобчалари қад ростлаган. Энг қувонарлиси, одамларнинг руҳи баланд, кайфияти чоғ. Уларнинг ўзари мулоқотларига кулоқ тутсангиз, гап андови, албатта, юртимизда рўй бераётган буюқ ўзгаришлар ва фаровон ҳаёт тарзига туташади.

Расулжон ота ва Холисхон ая тўрт ўғил, икки қизни оқ

қувиб, оқ тараб вояга етказишди. Қизларини турмушга узатиб, ўғилларини уйлантиришди. Катта оила учун уй етишмасди, ер етишмасди. Битта ховлида тикилиб супрадек томорқа билан тиркичлар қилиш амримаҳол. Истиклол ерга муҳтож оилаларга кўшимча ер майдонлари, уй-жой қурилишига етарли мабдалар ажратиб берди. Шулар қаторида Йўлбарсовлар оиласига ҳам. Бугун қарабсизки, ўғиллари Муҳаммадюсуф, Нўмонжон, Рафиқжон ва Улуғбеклар алоҳида томорқа, шинам ҳовли-уйларга эга.

— Эндиликда қишлоқ одамларига давлатнинг ўзи тайёр уй-жойни қуриб берапти, — дейди Расулжон ота. — Ҳар уйларки, жамолига боқиб тўймайсан. Биргина бизди Жўрақда бу йил элликта хўжалик ана шундай янги ҳовли-уйларга кўчиб ўтишади.

— Олтиариқ бўйича бундай уйлардан бу йил саксон бешта оилаларга топширилади, — дея унинг фикрини давом эттираман.

Бугун Расулжон ота ўғилларининг ҳар бирида юртимизда ишлаб чиқарилган енгил автомашина, хонадонларидега эса компьютер, энг сўнгги андозадаги телевизор ҳамда бошқа қимматбаҳо жиҳозларга кўзингиз тушади. Йигирма нафар бири-биридан ширин неваралар эса замонавий мактаб ва боғчаларда таълим-тарбия олишяпти. Бу манзара мустақилликдан кейин ақлини таниган ёшларимизга оддий бир ҳол бўлиб туюлиши табиий. Аммо шўролар даврида яшаб, унинг ноннамагини тотган каттароқ ёшдагилар учун ишониб бўлмайдиган ўзгаришлар инъикосидир.

Дарвоқе, ўғилларининг аини ўқийдиган, билим оларидан пайтлар шўро даврига тўғри келди. Бирок қишлоқ захматқашининг турмуш шароити гоят ноҳорлигидан кўп қатори буларнинг ҳам сувғи меҳнатда қотди. Улардан тўнғичи — Муҳаммадюсуф олий маълумотга эга бўлди, холос. Бошқала-

ри эса ўрта махсус билим юртлари сабоғи билан чекланиб қолаверди. Бугун эса коллежлар ва мактабларда ўқишайтган невараларнинг барчаси иқтидорли ўғил-қизлар. Бири спорт билан шуғулланади — орзуси жаҳон чемпиони бўлиш, яна бириси физикага шўнғинга — олим бўлмоқчи. Бошқа бири бўлса, тиббиёт иштиёқманди. Мамлакатимиз Истиклоли бу ёшларга барча шарт-шароитларни муҳайё қилиб қўйибдики, уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишига асло шубҳа йўқ.

Расулжон отанинг ҳовлисидаги узумзорни томоша қиламан. Каттагина ҳовли саҳнига шамсия тоқ ишқомларидан турли рангларда тароватлидан, қуйига тирбанд бош эғиб турган узум “абажур”лари... Тоқ сўкчақлари ҳам, ҳовлига туташ томорқа узумзори расталарига ҳам шунчалик маҳорат билан ишлов берилганки, рангоранг узум шингил-шапоқлар ям-яшил барг паноҳида

ажиб фусункор манзара касб этган. Томорқадаги помидор, қартошка, сабзи-пиёз ва бошқа сабзавотлар серҳосиллиги ҳам бу ерда асл дехқоннинг қўли борлигини билдириб турибди.

Шу пайт молхона тарафдан қўллариди сут тўла пақирларни кўтариб, Холисхон ая неваралар билан ўтиб қолишди...

— Насиб этса, бу йил ҳам даромадингиз чакки бўлмайди, — дедим отада оиланинг йиллик даромади ҳақида фикр уйғотиш ниятида.

— Узумга бироз фурсат тегинмай туримиз. Бошқаларини бозорга чиқаряпмиз. Емон эмас. Фақат... Еримиз бодрингдан чарчаган кўринади. Бир-икки йил дам берамиз, чоғи.

— Ўғилларникидаям узумчиликми?

— Ҳа, албатта. Бошқа дехқончиликлар ҳам йўқ эмас, — жавоб қилди отахон. — Ишқилиб, бешала оиланики кўшиб ҳисобланганда, бир йиллик даромадимиз билан икки-уч йил дўппини бошга дол қўйиб юрса бўлади...

Сўнг давом этди:

— Ҳали учала ака-укаям қишлоққа келиб олгандек туюлади, деган гапимни тўғри қабул қилинг. Барибир дехқон яратишга яратади, лекин бу неъматларнинг энг сараси шаҳарликлар дастурхониди бўлади. Бу — бир. Иккинчидан, энг зўр янгиликларни шаҳарликлар яратишяпти. Кеча телевизорда кўрдим: Фаргона вилояти дунёдаги 60 та давлатга саноат маҳсулотлари сотаяпти экан. Ўғлим Муҳаммадюсуфди айтишчи, ўтган йили 48 та мамлакат билан савдо-сотик қилинибди. Демак, кейинги олти-етти ой ичида харидор давлатлар яна 12 тага кўпайибди. Гапим тўғрими, ним?

Мен Расулжон отанинг гапларига кўшимча қилиб Олтиариқ туманидаги иқтисодий

юксалиш кўрсаткичлари, муҳтарам Президентимиз республика галлакорларига йўллаган табрикномасида олтиариқликларни алоҳида тилга олгани тўғрисида, тумандаги баъзи корхоналар ҳамда кичик бизнес субъектлари четта тобора кўпроқ маҳсулотлар экспорт қилишайтгани ҳақида гапириб бердим...

Дехқончилик омиқкорлиги билан бой-бадавлат яшаётган жўрақлик оилалар анчагина. Масалан, Сертут, Арабмозор ва Қаҳир маҳаллаларидан уста дехқонлар Қумбой Охунчаев, Мамасидик Абдуллаев, Холбой Аҳмаджонов, Камолдин Умаровларга қарашли томорқалардан йилга уч-тўрт марта ҳосил кўтарилади. Бирон қарич бўш турган ерга кўзингиз тушмайди. Ҳатто уйларнинг, одатда, кўча қисмидаги бўш қоладиган жойларига, шигил-шиғил ҳосил туккан “келинбармоқ”, “хўсайни”, “чарос”, “ризамаг”, “мерседес” каби турли навлардаги узум ишқомларига боқиб хайратдан ёқа ушлайсиз. Эгаларига таҳсин айтасиз.

Тўнғич ўғли Муҳаммадюсуф укалари билан жамлашиб, бу йилги даромад пуллидан отага “Ласетти” олиб беришмоқчи экан, лекин ота бунга розилик билдирмапти.

— Ўзингизга ярашмаган гапни қилманг, — мен унга таскин бермоқчи бўлдим. — Ношукурлик қилманг.

Расулжон ота ўз одатича тамкинлик билан жавоб қайтарди:

— Емон кўрганым ношукурлик. Албатта, шукрона келтираман. Бугунги кунларга етказган Истиклолимизга, халқимиз учун ҳамиша фидойи Юртбошимизга мингдан-минг шукронадаман...

Суратда: бободехқон Расулжон Йўлбарсов невараси Умиджон билан.

Солиқ ҚАҲҚОР
Фаргона вилояти

СОҒИНЧЛАР РЎЗНОМАСИ

(Далалардан дараклар. Онамнинг "Қартанг" сигири. Хабарлар ва хушxabарлар)

ЭССЕ

Менинг "Сариосиё ҳақиқати" газетасида хаваскор мухбир сифатидаги илк хабарим "Далалардан дараклар" руқни остида босилган. Мухбирликка хавас ва иштиёқ уйғотган илк устозим онамнинг кенжа укаси, раҳматли тоғам Садриддин Тождидинов бўлади. У Самарқанд давлат университетининг ўқитувчиси, таътилга келганида бизнинг сеvimли масканимиз бўлган могомининг ҳовлисида, олмавор, ўрикзор боғидан ҳамма-мизни олдида солиб қувгани қувган эди. Тоғам кўп китоб ўқир, шу билан бирга нима-нанини соатлаб қозоғга ёзиб ўтирар эди. Қишлоқ одамларининг "Садриддиннинг мақоласи чиқибди", "Ойби кампирнинг шу ўғли эйр-да", "Эйрлиги учун ҳам газит кичикка берган-да" деган гап-сўзлари миямга ўрнашиб, тоғамнинг мутлоаларию сирли машғулотирига қизиқишим кун сайин ортиб борарди.

Бир кун тоғам ўрикзорга чиқиб кетганида, кўрқа-писа унинг очиб қолган хонасига кирдим. Стол устида дафтар-китоблар, ёзилган, ўчирилган қозоғлар сочилиб ётибди. Стол чеккасида жилдида "Сариосиё ҳақиқати" деган ёзув битилган ўша "кичикка" чўғдай бўлиб турди. Унга тегишсам худди қўлим куйадигандай, ботиниб-ботинолмай аста очдим. "Садриддин Тождидинов. Жамоатчи мухбир. Редактор. Имзо" деган сўзларни ўқидим-да, қўлга тушишдан кўрққан ўғридай хонадан отилиб чиқиб кетдим.



Чўғ деганимча бор экан, кейин у менинг бола қалбим, ёш идрокимга ўрнашиб олиб, тун-кун ором бермай жизиллатганча куйдира бошлади. У чўғ мени болаликнинг қадрдон ўйин ва эрмақларидан тортиб олди, ҳаёту тирикликнинг турфа ва ранго-ранг хабарлари оламига ташлади. Деҳқонлар ва чўпонлар, сувчилару тракторчилар, шофёрлар ва теримчи аёлларнинг — бу оққўнғил ва камтарин инсонларнинг захматли ишлари ва ташвишлари мен учун алоҳида мазмун ва моҳият касб эта бошлади. Мен бу содда ва самимий кишиларнинг ҳаётдан, юмушларию қадқ кўллари тортаётган ранжу меҳнатларидан янглики ва хушxabарлар излай бошладим. Уларга талпиндим, улар қилаётган кундалик ишларини ҳаётнинг муҳим янгликлири сифатида одамларга етказишни ўзимнинг бурчим деб билдим.

Булар — кейин келган кечинмалар, ушанда ўн учми, ўн тўрт ёшимда, еттинчими, саккизинчи синфдагимдан "Сариосиё ҳақиқати"га кетма-кет йўллаган ҳар хил хат-xabарларим охири-оқибат ўз самарасини берди. Аввалига редакциядан тағига "Бўлим мудири Хурсанд Мирзаев" деб имзо чекилган, "Хабарингиздан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида фойдаланамиз" деган мазмунда, менга олам-олам қувонч ва умид бахш этган хат олдим. Кейин эса...

Онамларнинг "Қартанг" лақабли сеvimли, серсут ва сериштага соғин сирларини бўларди. "Қартанг" дуч келган нарсани ямламай ютиб кетаверарди. Ўтган XX аснинг 70-йиллари бошланиши, шўро замонининг авж паллалари, у тузумнинг "Правда", "Известия", "Комсомольская правда", "Сельская жизнь", "Советская культура" сингари газеталарини почтачи Саиджафар амаки ўзининг эша-гида хуржунга солиб хонадонларга тарқатиб чиқди. Хар икки ё уч кунда, мен ўтдан ё мактабдан келиб, ҳовлимиздаги ёғоч сўрида чой ичиб ўтирган бўламан, "Қартанг" ҳам албатта шу атрофда барг ё бир нима қавшаб юрган бўлади. У ўзининг қандайдир ҳайвоний хиссиёти билан почта келадиган пайтни билиб-сезиб юрарди. Саиджафар амаки газеталарини кўча эрганахшимизнинг тепасидан ҳовлига ташлаб кетаверарди. "Қартанг" газеталар ўрамини ҳовлига тушди

дегунча, югуриб бориб дағал чармга ўхшаган узун қора тили билан бўғма илондай ўраб оларди-да, катта даҳанига солиб, кейин думини хода қилганча оғилхонизлар томонга қочарди. Улгурсангиз улгуриб қолдингиз, бўлмас оламга дағдага солиб турган шўро матбуотини бор "Правда"сию "ноправда"сини кўшиб бирпаснинг ўзида ямлаб ютиб қўя қоларди.

Бир кун уйга шакар олгани кириб, ҳеч фурсат ўтмай қайтиб чиқсам, не кўз билан кўрайки, "Қартангхоним" эрганакнинг олдида, катта-катта шахло кўзларида хузуру ифодаси, маза қилиб иштаҳа билан газеталарни тушириб ётибди. "Правда", "Известия"лар, "Советская культура" кетадиган жойига келиб бўлибди, ерда ётган биргина "Сариосиё ҳақиқати"ни асраб қолишга улгурдим, холос. "Қартанг"ни оғилхонизга ҳайдаб, сўрида чой ичиш асносида газетани ўқий бошладим. Унинг тўрттинчи саҳифасида "Далалардан дараклар" деган ёзувлар остида икки-уч хабар, хабарлардан бирининг тағида эса менинг исм-фамилиям ҳам кўйилган эди. Хабар анча тахир килинган, мен юборган гапларга мутлақо ўхшамагани учун аввалига унча ишонмадим. Ундаги факт ва рақамлар эса айнан меники, уларни мен ёзиб юборган эдим. Шу алфоз ўн-ўн беш кун иккиланиб юрган ҳам эдимки, почта орқали менинг номимга "3 руб. 97 коп." миқдорда пул жўнатмаси, яъни қалам ҳақи келиб қолди-ку! Бошим осмонда, отам билан бориб чексиз қувончу хаяжонлар ила ҳаётимдаги илк меҳнат ҳақимни олганимиздан сўнг, почта бўлими бошлиғи Бекматовдан мен ҳам, отам ҳам анча мақтовлар эшитиб, бу кутилмаган мукофотлардан мактабимда обрўйим ошиб, парвоз этиб юрган кувончли паллалардан кейин чинакамига ёзув-чизувга киришиб кетдим. Шундан эътиборан газетамизда "Далалардан дараклар" руқни менинг доимий даракчимга айланиб қолди.

Мен учун мустабид шўро тузумини ҳам, унинг ёлгон матбуотини ҳам онамнинг шу оғилгина тарғил сирларини тугатиб берган. "Қартанг" гўё у тузумнинг қаззоб ва муттаҳамлигини билгандай, ўзини унинг газеталари ва рўзномаларига нисбатан нописандона тутар, дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган бутун бошли даҳшатли империя сирларини ошқозонда бемалол емирилиб, ҳазм бўлиб ётар эди...

Мухбирлигимга келсак, тахминан икки йиллар ичида мен газетанинг фаол жамоатчи аъзосига айландим. Туман рўзномасидан ташқари республика болалар ва ёшлар нашрларида ҳам номим тез-тез кўрина бошлади. Ҳозирда катта шоир ва мутаржим Мирзо Кенжабоев билан хабар ва янгликларимиз ҳамisha ёнма-ён, бир газетавий устунда чиқар эди. Ушанда биздек ҳали дунё кўрмаган дашт болалари учун туман редакциясининг аслида муъжаз ва ғарибгина биноси, хоналарию жиҳозлари жуда ҳам мухташам ва салобатли туюлган. Тахририятнинг Фанихон ака Шарипов, Раъно опа Шамсиддинова, Маъмуржон Ботиоров, Хурсанд Мирзаев, Жаббор Шойназаров сингари захматкаш журналистлари, бу камтарин ва камсуқум инсонларнинг эътибори ва хайрихоҳликлари... улар олдидаги қарз ҳеч қачон эсдан чикмайди. Вақти-соати келиб шу азиз инсонларнинг дуоси билан журналистика факультетига ўқишга кирдик: Шунча ой-йиллар далалардан дараклар бериб, Сариосиёда кўришмаганимиз Мирзо мулло билан Тошкентда ўқишлар бошлангандан кейин, ниҳоят, учрашдик. У қадрдон далалар, бизни бешиклардай эркалаб-аллалаб улғайтирган ўша азиз эгаллар кейин умр бўйи тушларимизга кириб, соғинчли шеърини мактубларимизга эврилишини, умримиз уларнинг қўмсовию орқилиқлари ила кечилишини биз ҳали билмас эдик. Кейинроқ: "Бугун далалардан дараклар йўқдир, Умрдан энг гўзал варақлар йўқдир" ёки "Сурхон боғларида гул тўқди ўрик, Гулларга бурқанди бизнинг жанублар" деб ёзишимизга ҳам шу соғинчлар сабаб бўлган.

Мухбирлик фаолиятимизда қизиқ ҳодисалар кўп бўлган. Биринчи кўрсин битириб, илк ёғи амалиётини бизни учирма қилган қадрдон газетамизда ўтказишга қарор қилдик. Факультетда бир йил давомида олган билим ва сабоқларимизни энди амалда ҳам кўрсатишимиз керак эди. Аввалига редакциядаги янги одам — тўладан келган, қуюқ жингалак сочлари оқ юзларига гоят ярашиб тушган хушрўй ва хушбичим нотаниш кишини кўриб сал-пал доврирагандай бўлдик. "Келинлар, келинлар" дея очик чеҳра билан мулозамат қилгач, биз ҳам мудоғга кўча қолдик. Бу киши қишлоқ хўжалиқ бўлимининг янги мудири, келинган гавдаси, жингалак сочларию бўлқиб турган оқ юзлари ва

бўйинларига кўра аслида ҳаётнинг бошқа, ўзига муносиброқ пўрим хашамлари учун яралгану, бу ерда муваққат ўтиргандай таассурот қолдирувчи Маҳкам ака Шоймардонов экан. Маҳкам ака гапни чўзиб ўтирмай, Мирзога мактабдан катта олиб борилаётган таъмир ишлари, менга эса "Боботот" хўжалигида шולי ўрим-йигими ҳақида мақола тайёрлаб келишни топширди. Буюриш асносида рўпарада ўтирган Жаббор Шойназаровга қараб билинтирмайгина кўз қисиб, жилмайиб қўйгани бизга ёқмади.

Маҳкам аканинг муғомбирона кўз қисиб, жилмайиши тағида гап бор экан. Мактабларда ҳали таъмир бошланмаган, "Боботот" хўжалигининг ҳосилоти Эргаш ака деган киши эса менинг мақсадимни эшитгач, аввалига ҳайрон бўлиб турди-да, кейин қулиб юборди. "Ука, — деди кейин, — ҳозир бугундай сомонларни йиғиб, ерларни ҳайдаяпмиз, пахтага ҳам қараш керак, шולי ўримига эса насиб бўлса кўзда келасиз-да" дея мени сийқидилдан чой ичишга таклиф этди. Ун саккиз яшар йигитча, шу ёшимга қадар, ундан кейин ҳам кечган умрим давомида, бутун ҳаётимда мен ҳали бу даражада икка бўлмаганман. Ҳозирга қадар, кирк йилларча вақтдан кейин ҳам, ростки гап, Бобототга шולי экиладими-йўқми — билмайман. Ҳосилот шоиримиз Аҳтамқул Каримнинг SMS маълумотига кўра "шולי экилишдан экилмаслиги инсончилик" экан.

— Ҳақиқий амалиёт мана шунақа бўлади, — деди кейин Маҳкам ака редакцияда. — Биз синов ўтказдик. Бир нарсани билиб, ишонч ҳосил қилгандан кейингина боришларинг, ундан сўнгра ёзишларинг керак.

Гарчанд редакцияда мени хангома қилишиб, бир неча кун қулиб юришган бўлса-да, Шоймардонов деган зотдан анча вақтгача ранжиб юрган бўлсам ҳам, бу воқеа менинг кейинги ҳаётим учун унутилмас буюк дарс, ижодий таржimai ҳолида умр бўйи миннатдор бўлиб ёдда сақлаб келганим энг қадрли сабоқ бўлиб қолди.

Газетамиздаги илк танқидий хабарим "Она-бола йиқилиб тушди" сарлавҳаси остида босилган. Унда қишлоғимиздаги ёғи кинотеатрнинг ночор аҳоли, ўтиргичларининг чириганлиги кино пайти кўз ўнгимизда ўтирган курсилари синиб, бир она билан боланинг йиқилиб тушгани воқеаси танқид қилинган эди. Хўжалик раҳбарлар-

ридан бўлмиш қариндошимиз Абдуназаров тоға кўчада мени учратиб қолиб, зарда билан: "Яшанг жиян, танқид қилишни ўз тоғангиздан бошлаб, қандингизни уринг, кам бўлмайси!" деганлари ҳали хануз эсимда. Аммо шу хабар чиққандан сўнг икки кундан кейин томошагоҳ тўлиқ таъмирланиб, барча курсилари бош-оёқ янгиланганидан ҳамқишлоқларим, синфдош оғайнилар роса хурсанд бўлишган.

"Севги", "Орзу" номли илк шеърини машқларим ҳам ўша ёғи амалиёт пайти — 1975 йилнинг авжи чилласида шу газетамизда босилган эди.

Бу амалиётимиз биринчи ва охиригиси экан. "Ё шаҳри азим, ё кўчи баланд" дегандай, биз кейин азим шаҳарга ўрганиб олиб, республика миқёсидаги катта-катта мухташам газета ва журналларнинг полизига уриб кетдик. Мақола ва шеърларимиз нуфузли нашрларда тез-тез кўришиб, номларимиз ҳам элга маълум бўла бошлади. Сариосиё "Осиёдан нари" Осиё"даги бир камтар газетини шон-шухратимиз жилоларидан олисади шамчироқдай хира тортиб, охири-оқибат кўзларимиздан бутунлай йўқолиб кетгандай ҳам бўлди. Пойтахтдаги серсавад ва доврўгли устозлар, машҳур домлаларнинг ёнида юриб, бир кўйлақ ё камзулни беш-ўн йиллаб кийган, эгни-боши кўримсизу қалблари бой танти инсонлар, орқилиқда қолган сўз ва қалам захматқиларини гўё эсдан чиқариб ҳам юбордик. Бирок...

Биз соғинчларимиз рўзномаси бўлмиш бу газетадан йиллар ўтган сайин, йироқлашганимиз сари — унга яқинлашиб бораётгандаймиз. Унинг номини тилга олганимиз заҳот — кирк йиллик соғинчлару тах-ламлирининг шамоллари, Бобототларимиз, Тўполондарёмизнинг тонгги насимлари бетларимизга урилгандай бўлади. Қалбларимиз, димоголаримиз қадрдон дашту далаларнинг буй ва хаволарига тўлиб кетади.

"Хар қандай баланд минора ҳам биринчи гиштдан бошланади" дейилгандай, биз агар сўз шаҳрида бино бўлиб қад ростлай олган бўлсак — тиклаган иморатларимизнинг илк гишлари мана шу кафт-деқина газетанинг бағрикенг саҳифалари саҳида кўйилган. Кейин гарчанд саҳифа-саҳифа шеърларимиз, қулоч-қулоч мақолаларимиз босилган бўлса-да, ўша олис ўсмирлигимизда қолган "Далалардан дараклар"ни, қисқа-қисқа

хабар ва хушxabарларимизни ҳамон соғиниб яшаймиз. Гарчанд улуг устозлардан, мамлакатга ном кетган таникли адиблардан кўп сабоқ ва ҳикматлар олган бўлсак-да, бизнинг қанот ёзиб, кенг ва катта олам сари парвоз этишимизга, энг аввало, шу газетамиздаги хоксор ва жонқуяр қаламқашлар сабаб бўлган.

Газета худди миллат ва жамяят каби халқ билан ҳамisha ҳамдаму ҳамнафас — эл қийналса қийналди, эл қувонса у ҳам қувонди. У ҳам худди эл-улус сингари йўқчилики кўрди, захматларга дош бериб, она диёримизнинг ёруғ ва до-риломон қулларига ёруғ юз билан келди.

Мамлакатимизда эркин сўз, матбуот ва қалам аҳлига давлат миқёсида кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликдан "Сариосиё" газетаси, унинг гайратчан журналистлари ҳам бебаҳра қолаётгани йўқ. Рўзнома замонавий дизайнда, рангли безаклар, катта ҳажм ва нусхада, республика газеталаридан кам бўлмаган ҳолда чоп этилмоқда. Озод Ўзбекистонимизнинг вақтли нашрлари орасида унинг ўз ўрни, овози ва обрўси бор. Воҳадаги янгилинишлар, халқ турмушини кўркамлаштириш йўлидаги ислохот ва бунёдкорликлар, ёшлар тарбияси, маърифат ва маънавият масалалари доимо унинг диққат марказида.

Газетасевар адибимиз, устоз Фафур Гуломнинг: иложи борича одамларга яхши гаплар, хушxabарларни етказишга ҳаракат қилинган деган мазмундаги пармаюн қайдлари бор. Биз ҳар йили киш охири-оқибат бўлаётган, кўйлақ орқилиқлари тобора сезилиб қоладиган беқарор паллаларда бир қўмсов ва интиқлик оғушида яшай бошлаймиз. Шундай интизор ва соғинчли дамларда, албатта, Абдураҳим Раҳмонзодми, Нарзулло Бойсуний ёки Камолиддин Мингбойми ноҳосдан Сурхон воҳасида — Термиз ё Сариосиёда бодом гуллагани ҳақидаги ногаҳоний хушxabарни завқу ҳаяжон билан етказиб қолади. Бу узоқ кутилган ва кутилмаган янглик билан баҳор ўзининг бардавонлигию ҳаёт ўзининг абадийлигини тириклик ва мавжудот олдида яна бир қарра тасдиқлаб олади. Биз эса, шундай шуқули онларда Навоий бобомиздан кўчирма олиб, ҳар тунингиз хушмуҳада, хар кунингиз хушxabар бўлсин дейишга мутлақо ҳақлимиз.

ЯХШИЛИККА БАХШИДА УМР

▼ Ҳамкасблар ҳақида



Ҳалоллик, камтарлик, меҳнатсеварлик инсонни қомиллик сари етакловчи энг гўзал фазилатлардир. Ўз қиёфасини ана шу сифатлар билан безатган Ибодат Соатов республикамизда чоп этилаётган нуфузли нашрлардан бири — "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш" — "Здравоохранение Узбекистана" газетасида бош муҳаррир ўринбосари лавозимида фаолият юритмоқда.

Навоий вилоятининг Кармана туманида туғилиб, воёга етган Ибодатнинг болалиқидан адабиётга меҳри бўлакча эди. Ана шу куч уни ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетида тахсил олишга ундади. Ўқишни битиргач, аввало, ҳаётнинг барча қатламларини ўрганиш, қолаверса, так-

дир шамолига изн бериб, ўша ер қаерда бўлса шу меҳнатга шўнғиб, ўз билим ва малакасини ошириб бора-верди. Аввал мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган бўлса, ундан кейин Тошкент шаҳридаги 451-сонли мактабгача таълим муассасасида тарбиячи бўлиб ишлади.

Оқар сувдек ўтиб кетган йиллар унинг ўз касбига бўлган муҳаббатини ювиб кетолмади. 1998 йилда Ибодат Соатовани "Ҳамшира" журна-лига ишга таклиф этишди. Даставвал бўлим бошлиғи, масъул котиб вазифаларида ишлади. Бор иқтидорини ишга солиб, тиришқоқлиги, зукколиги билан жамоада хурмат-эътибор топди. Очик қолган йиллар саҳифаларини тўлдириш учун тунни тонга улаб, игна билан қудуқ қазиб машаққатини янада теранроқ ҳис этди.

2011 йилдан бошлаб "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш" — "Здравоохранение Узбекистана" газетасида қалам тибра-тиб, аҳоли ўртасида соғлом

турмуш тарзини тарғиб қилишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ибодат қаерда, қай лавозимда ишласин, жамоадошлари у ҳақда фақат илиқ сўзлар айтишади. Кундалик ишлари ҳақида сўрасангиз: "Юрибмиз, эл қатори", дейди жилмайганча камтарлик билан.

У ўзининг 30 йиллик меҳнат фаолияти давомида жуда кўп шогирдлар етиштирди. Аёл сифатида сеvimли она, меҳрибон буви. Қўшнилари, қанда-андалари билан жуда иноқ, оға-иниларига сирдошу дардкаш. Унинг самимий сўхбатидан дилингиз яйрайди, чунки фикрлари теран, дунё-қарашни кенг.

Спорт Ибодатнинг жону дили. Спортнинг инсонни ҳар тарафлама гўзаллаштиришига ишонади ва бунга бошқаларни ишонтира олади. Негаки, ўзи ҳам спортнинг энгил атлетика, шахмат турлари бўйича спартакиадаларда иштирок этиб, турли даражадаги диплом ва сертификатлар билан тақдирланган.

2011 йилда "Мустақилликнинг 20 йиллиги" кўкрак нишонига сазовор бўлди. Ибодат барча ютуқларига ҳалол меҳнати билан эришди. Биз, ҳамқишлоқлари унинг муваффақиятларидан ҳамisha фахрланамиз.

Мастура ПУЛАТОВА,
фахрий муаллим

ДАРАКЛАР

БУЮК ЁЗУВЧИНИНГ МАКТУБИ

150 йилдан сўнг Англияда буюк ёзувчи Чарльз Диккенсининг мактуби топилди. Бу хат кимошди савдосини қизитадиган бўлди. Мактуб ёзувчининг оилавий саргузашти билан боғлиқ.



«The Daily Telegraph» агентлигининг ёзишича хат доктор Жек Шианга тегишлидир. Унинг айтишича, хат тасодифан топилган. Глостершир графлигига қарашли Блокли қишлоғида яшовчи қариндоши уйни йиғиштираётганда хатни топилган. У жавондаги китоблардан бирини қўлга олганида ичидан бир варақ қоғоз ерга ташлади. Уй бекаси унга кўз ташлагандаёқ бу оддий хат эмаслигини пайкайди. Мактубга 1858 йил санаши кўйилган эди. Шундан сўнг мазкур хатни доктор Шианга кўрсатади.

Шианнинг таъкидлашича, китобни қариялар уйига кетаётган кампир бериб кетган. Мутахассислар уни чиндан ҳам буюк ёзувчига мансублигини тасдиқлади. Энди эса Шиан бу мактубдан бир ярим минг фунт-стерлинг ишлаб олмақчи.

УМРИНГИЗНИ УЗАЙТИРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Унда зарарли одатларингизни тарк этасиз. Швед олимлари олиб борган тадқиқотларидан сўнг ана шундай хулосага келдилар.

Бунинг учун қариялар зарарли одатлардан воз кечиби, ўзларининг соғлиғига жиддий эътибор қаратишлари лозим. Шундай қилинса, яна узоқ йиллар умргузаронлик қилишлари мумкин экан.



Олимлар 75-80 ёшли кишилар ўртасида ўтказган 18 йиллик кузатишлардан сўнг шундай хулосага келдилар. Таъриба мобайнида соғлом турмуш тарзини касб этган қариялар спиртли ичимлик ичиб, чекишни қанда қилганга кишиларга қараганда узоқроқ яшаши аниқланган.

Олимларнинг таъкидлашича, узоқ умр кўришни истовчилардан кўп нарса талаб қилинмайди. Бор-йўғи улар соғлом турмуш тарзини одат қилишлари, доимий равишда бадантарбия билан шуғулланиб, тоза ҳавада сайр қилсалар кифоя.

ЮРАКСИЗ ЯШАЁТГАН ОДАМ

Ишонмаяпсиз-а?!

Чехияда истиқомат қилувчи Ёкуб Холик тўрт ойдан буён юраксиз яшаётти. Унинг юраги ўрнига сунъий аппарат ўрнатилган.




Ёкуб Холикни шифохонага олиб келганларида унинг аҳоли жуда оғир эди. Саратон жасталигига чалинган бу беморнинг яшаб кетишига ҳеч ким ишонмасди. Унинг ҳаётини сақлаб қолишнинг биттагина йўли — жарроҳлик амалиёти эди. Ёкубнинг юраги ўрнига Америкада тайёрланган, махсус батарея орқали ишловчи мослама ўрнатилди. Шифокорлар ва беморнинг бахтига операция муваффақиятли ўтди. Яна ҳаётга қайтган Холик эса шу пайтгача қанча юрагидан шикоят қилгани йўқ.

ТЎРТ ҚАНОТЛИ СУПЕРСАМОЛЁТ

НАСА маъмурияти янги, овоздан тез учадиган, ёни билан ҳаракатлана оладиган аппарат яратилишига киришди. Бу оддий самолётдан кўра кўпроқ афсонавий НУЖларга ҳам ўхшаб кетади.

Янги технологияни Майами университетининг ўқитувчиларидан бири тақдим этди. Самолёт тўрт қанотли, кумушранг кўринишда бўлади. Ён томондаги қанотлари узун.



Бу қурилманинг ўзига хослиги шундаки, аппарат ёнбош қанотларига таяниб, юқори тезликда кетаётганда ҳам 90 даражага бурилади ва бу пайтда қалта қанотларига таянади. Янги учувчиси шундан шундан билан устунликка эга. 700 метр узунликдаги масофадан ҳавога кўтариладиган бу учувчи жисм 70 нафар йўловчинини ўз бағрига сиғдира олади.

НОГИРОНЛАР ЎРИНДИҚДА ХАМ СУЗАДИГАН БЎЛДИ

Америкалик фуқаро Сю Остин сув остида сузиш учун махсус кресло яратди. 1996 йилда бу киз ногирон бўлиб қолганди. Ушундан буён имконияти чекланганлар учун сузувчи мослама яратишни орзу қилиб келарди.



Сю ана шу ниятини амалга ошириш учун малакали мутахассисларга мурожаат қилди. Улар эса сув остида бемалол ҳаракатланишга ёрдам берадиган мосламани яратди.

Уз орзусини амалга оширган киз бу билан чекланиб қолмади. У ўз мосламасини оммалаштириш учун сув остида суратга тушишга ҳам рози бўлди. Бу ҳақда ҳатто ҳужжатли фильм ҳам яратилди. Жасоратли киз ўзига ўхшаб ногиронлик аравачасига михланиб қолган кишиларнинг ҳам сувада сузиб, ўзларини бардам-бақувват ҳис қилишларини истади.


Интернет хабарлари асосида А.Жўраев тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

Шарҳ

Молия-иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилди

2012 йилнинг 31 август-2 сентябрь кунлари Корея Республикасининг стратегия ва молия вазири Бак Же Ван бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Ушбу мамлакат ҳукуматининг етакчи аъзоларидан бирининг мазкур ташрифи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Жанубий Кореяга яқинда амалга ошириладиган давлат ташрифига тайёргарлик кўриш нўқтани назаридан икки давлат ўртасидаги молиявий-иқтисодий ҳамда инвестицион ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этишга бағишланди.



Корея Республикаси стратегия ва молия вазири Тошкентдаги учрашувлар чоғида мамлакатларимиз ўртасида эришилган икки томонлама ҳамкорлик қўламини юқори баҳолади. У Ўзбекистондаги мустақам макроиқтисодий барқарорлик, пухта ўйланган таркибий ислохотлар сиёсати, мамлакатимизда изчил ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларининг йилга 8 фоиздан ошаётгани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан таълим тизимини ислоҳ этиш, халқаро бозорларда рақобатбардор, юқори малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани Корея Республикасининг мамлакатимиз билан кенг қўламли ва ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлигининг асосий омиллари эканини алоҳида таъкидлади.

капитали иштирокида ташкил этилган 400 дан зиёд компания муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Узоқ муддатли икки томонлама молиявий-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлигининг кенг қўламли масалаларини муҳокама этиш ҳамда улар юзасидан фикр алмашиш якуналари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Корея Республикаси Стратегия ва молия вазирлиги ўртасида Ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Меморандумда Корея Республикасининг Иқтисодий ривожланиш жамғармаси билан (EDCF) 2012-2015 йилларда умумий қиймати 595 миллион доллар миқдорда имтиёзли ва узоқ муддатли кредитлар тақдим этиш ҳисобидан амалга оширилиши мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг асосий параметрлари акс этган.

Жумладан, кўп тармоқли болалар тиббиёт марказини ташкил қилиш, уни юқори технологияли ташхис қўйиш, даволаш ва бошқа махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш лойиҳаси, шунингдек, ўқув, илмий, илмий-оммабоп ва бадий манбалар, аваламбор, Алишер Навоий но-

мадаги Миллий кутубхона ресурсларини электрон форматга ўтказишни кўзда tutuvchi миллий умумтаълим электрон кутубхонани ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш хусусида келишиб олинди.

Бундан ташқари, ҳамкорлик лойиҳалари Миллий телерадиокомпанияни рақамли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, ўрта ва ўрта махсус, касб-хўна таълими муассасаларининг замонавий моддий-техник базасини ривожлантириш, энергия ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини оширишни ўз ичига олган.

Корея Республикаси стратегия ва молия вазири Ўзбекистон Республикаси Жанубий Корея ҳукумати томонидан билим ҳамда таъриба алмашиш дастурларини биргаликда амалга ошириш бўйича ҳамкор давлат сифатида белгиланган кам сонли мамлакатлардан бири эканини таъкидлади.

Шу муносабат билан техник кўмаклашиш бўйича қўшма лойиҳалар дастурига

давлат электрон бюджети ва Фазначиликни ривожлантириш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, давлат мулкни бошқариш самардорлигини юксалтириш, давлат харидларини амалга ошириш, солиқ ҳамда боғхона органлари фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтиришга доир лойиҳалар киритилган.

Шу билан бирга, томонлар Осиёда валюта ва молия барқарорлигини таъминлаш мақсадида Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия институтлари, шунингдек, кўп томонлама ташаббуслар доирасида ўзаро яқин ҳамкорлик қилиш мўҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар.

Бак Же Ван Корея Республикаси раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу мамлакатга амалга оширадиган давлат ташрифини сабрсизлик ва катта қизиқиш билан қутаётганини, бу ташриф икки томонлама ҳамкорлигининг бар-

ча соҳаларида эришилган натижаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш ва баҳолаш, мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш ҳамда ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари ва истиқболларини белгилаб олиш имконини беришни таъкидлади. Мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги аънавий яқин иқтисодий ва амалий алоқаларни мустақамлаш ҳамда Осиёнинг барқарор ривожланиб бораётган икки иқтисодиёти ўртасида қарор топган молиявий ва инвестицион ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Томонлар музокаралар якуни бўйича Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикасининг молия-иқтисодий ҳамда инвестицион ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадида икки давлат молия вазирликлари ўртасида бундай учрашувларни мунтазам ўтказиш ҳақида келишувга эришилди.

ЎЗД

«РЕГИСТОН ПЛАЗА» МЧЖ
ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни энг улуг, энг азиз байрам —
Мустақиллик куни билан қутлайди.
Хонадонингизни
бахту қувонч, файзу барақа,
хуш кайфият тарқатмасин!
Мустақиллигимизни, мустақамлаш
йўлидаги ишларингизда омад-ер булсин!

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фарғона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси танлов савдолари эълон қилади

- Объектлар номи:
- 7-1. Фарғона вилояти, Олтириқ тумани Ғайрат ҚФЙ Жўрак қишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли қурилиши. Муддати — 30.12.2012 й.
 - Бошланғич нархи — 201 173 947 сўм ҚҚС билан ва 167 644 955 сўм ҚҚСсиз.
 - 7-2. Фарғона вилояти, Олтириқ тумани Ғайрат ҚФЙ 8 март қишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли қурилиши. Муддати — 30.12.2012 й.
 - Бошланғич нархи — 120 438 762 сўм ҚҚС билан ва 100 365 635 сўм ҚҚСсиз.
 - 7-3. Фарғона вилояти, Фарғона тумани Аввал ҚФЙ Аввал қишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли қурилиши. Муддати — 30.12.2012 й.
 - Бошланғич нархи — 155 295 325 сўм ҚҚС билан ва 129 412 771 сўм ҚҚСсиз.
 - 7-4. Фарғона вилояти, Фарғона тумани Аввал ҚФЙ Аввал-2 қишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли қурилиши. Муддати — 30.12.2012 й.
 - Бошланғич нархи — 128 314 847 сўм ҚҚС билан ва 106 929 039 сўм ҚҚСсиз.
- Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзил: Фарғона шаҳар, ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй. Тел. 8(373) 224-32-06.
Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
- Танлов савдосида фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар куйидаги шарт-

ларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича таъриба борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоз миқдорда айланма маблағга (заҳиралаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига куйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш хуудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй, телефон/факс: 224-18-71.
Танлов ҳужжатлари бир тўламининг нархи — 63 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб шуни ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кейин, Фарғона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси, 43-уйда ўтказилади.

Бойсун туманидаги «Малика» хусусий кичик корхонаси жамоаси

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги тантанали нишонланаётган шу муборак кунларда серқуёш ва серфайз Ўзбекистонимиз фуқароларини, Ватанимиз келажаги бўлган ёшларимизни янги ўқув йили билан қутлайди.



ИШОНЧЛИ ҲАМКОР, ЯҚИН КЎМАКЧИ

Реклама

Мамлакатимизда кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ривожланиб, кенг қулоч ёймоқда. Албатта, бунда банк-молия муассасаларининг муносиб ҳиссаси бор.

«Агробанк» ОАТБ Наманган вилоят бошқармасининг шаҳар ва туман филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 8 ойи давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 1195 та хўжалик субъектига 18 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Ушбу кредитларнинг 11 миллиард сўми қисқа муддатли, 7 миллиард сўми эса узоқ муддатли кредитлардир. Ажратилган маблағлар ҳисобига тадбиркорлар ўз фаолият қўламини кенгайтириб,

1677 та янги иш ўрни яратилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди. Ўтган вақт давомида 375 нафар тадбиркор аёлга 2 миллиард сўм миқдорда кредит ажра-

тилгани, бунинг натижасида 410 та иш жойи барпо этилгани сўзимиз исботидир.

— Мен «Агробанк»нинг Тошбулоқ филиалига кредит сўраб, мурожаат қилдим, — дейди хусусий тадбиркор Хувайдаҳон Зуннунова. — Банк ходимлари тақдим этилган ҳужжатларни тезда ўрганиб чиқишди ва мурожаатим қаноатлантирилди. 30 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит ҳисобидан тикувчилик дастгоҳлари ва хомашё маҳсулотларини сотиб олдим, фаолиятимни кенгайтирдим, 8 киши иш билан таъминланди.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳам банкнинг доимий диққат-эътиборида. Шу боис, 117 та ёш оилга 474 миллион сўмлик кредит берилди. Шунинг ҳисобига 110 та иш ўрни яратилди.

Аҳолининг озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, банк томонидан бу борада олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар таҳсинга сазовордир. Бинобарин, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 4 миллиард, 2009 йил 28 январдаги «Мамлакатимизда ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида эса 2,9 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди. Шу ўринда мисолларга мурожаат қилсак. Банкнинг худудларида яшаб ижод қилаётган совриндорлар йиғилиши, бир-бирларидан руҳий қувват олишди. Анжуманда улуг шоира издошлари орасидан адабиёт ва санъат йўналишидаги истеъдодларнинг чиқишлари иштирокчиларнинг олқишига сазовор бўлди. Айниса, Ватан мадҳи тараннум этилган шеърлар,

мумтоз анъанавий ижро, эстрада ва опера жанрларида янграган куй-кўшиқлар юракларнинг нозик торларини чертиб, дилларга ором бағишлади. 2005 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларнинг республика анжуманига юртимизнинг барча худудларида яшаб ижод қилаётган совриндорлар йиғилиши, бир-бирларидан руҳий қувват олишди. Анжуманда улуг шоира издошлари орасидан адабиёт ва санъат йўналишидаги истеъдодларнинг чиқишлари иштирокчиларнинг олқишига сазовор бўлди. Айниса, Ватан мадҳи тараннум этилган шеърлар,

Абдуғани СОДИҚОВ,
«Hurriyat» мухбири



«ПОПДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»

акциядорлик жамияти жамоаси

21 йил

барча юртдошларимизни, донни қайта ишлаш корхоналари ишчи-ҳодимларини Ватанимиз мустақиллиги куни — энг улуг, энг азиз байрамимиз билан самимий табриклайди!

Фермерларимизнинг хирмонлари баракали бўлиб, юртимиз иқтисодий ривожига қўшаётган ҳиссалари янада юксалишини тилайди.

МУСТАҚИЛЛИК — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА



ЁРҚИН ҲОЛДУЗЛАР

Ўзбекистон халқ шоираси, таниқли жамоат арбоби Зулфия Исроилованинг матонатли ҳаёт йўли, миллионларга садоқат ва муҳаббатдан сабоқ бергучи ижодий мероси юксак баҳоланиб, Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилганига ҳам ўн икки йилдан ошди. Шу давр мобайнида мукофот совриндорларининг сони 182 нафарга етди. Адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларида изланишлар олиб бораётган Зулфияхоним қизлари номига мушарраф бўлганлар орасида ўзбек қизлари билан бабаробар юртимизда фаолияти элга манзур бўлган қирғиз, қорақалпоқ, тожик, рус, бошқирд, қозоқ миллатларига мансуб қизлар ҳам ўзларининг ёрқин ижодий салоҳиятларини намойиш этиб келишмоқда.

Ҳозирги кунда эса Хотин-қизлар кўмитасида ахборот хизмати мутахассиси сифатида иш олиб бормоқда.

Жорий йилнинг июль, август ойларида ҳар бир йўналиш бўйича давлат мукофоти соҳибаларининг тақдимот маросимлари бўлиб ўтди. Хусусан, «Олимпия шон-шухрати» музейида «Обод юртининг бахтли қизлари» мавзусида спорт соҳасида мукофотга сазовор бўлган совриндорлар ўз ютуқлари билан ўртоқлашишди. Спортни санъат даражасига кўтаролган қизларнинг гўзаллик, нафосат, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдаги меҳнатлари таҳсинга лойиқ. Масалан, Дурдона Қорбобоева саккиз ёшидаёқ Андижондаги «Таракқиёт» телевидениесининг болалар кўрсатувларида бошловчилик қилган. «Сехри ёғду — 2004» кинофестивалининг республика босқичи ҳамда 2005 йили «Дунё янги авлод нигоҳида» номли халқаро ёш журналистлар фестивалида гран-прига сазовор бўлган. Спортнинг қарат тури билан шуғулланади. Уч карра Ўзбекистон, икки карра Марказий Осиё чемпиони. Дурдона, шунингдек, «Спорт» малякаси — 2009» кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан!» шiori асосида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларнинг республика анжуманига юртимизнинг барча худудларида яшаб ижод қилаётган совриндорлар йиғилиши, бир-бирларидан руҳий қувват олишди. Анжуманда улуг шоира издошлари орасидан адабиёт ва санъат йўналишидаги истеъдодларнинг чиқишлари иштирокчиларнинг олқишига сазовор бўлди. Айниса, Ватан мадҳи тараннум этилган шеърлар,

Хуллас, Зулфияхоним қизлари билан бўлган барча мулоқотларимиз жараёнида амин бўлдики, серкуёш ўлкаимизнинг мусофари осмонда янги, ёрқин юлдузлар парламоқда. Юртбошимизнинг юксак эътибор ва ғамхўрлигидан куч олаётган қизлар ўзларига бўлган қатъий ишонч ва журъат билан:

*Ғофил вақт,
сен мендан қолган ортда,
Дунё, қара,
сендан ўзиб кетяпман.
Орзулар йўлида,
мақсад йўлида*



Фов келса,
тўфондек бузиб ўтъяпман, —
дея дадил қадамлар билан одимлашмоқда. Ушбу мисралар муаллифи Ситора Тошматова бу йил Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг хорижий филология факультетига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. Турли олий ўқув юртида таҳсил олиш имкониятига эга бўлган ўн уч нафар қизлар қатори унинг ҳам қувончи чексиз. Хурсандчилик бир келса, қўша-қўша келади, деганларидек, «Ижод» жамғармаси ҳомийлигида шоира қизларнинг янги китоблари чоп этилган бўлди.

Шаҳзода ҲАКИМОВА,
«Hurriyat» мухбири

Бойсун туманидаги «Трансгаз» МЧЖ жамоаси

барча юртдошларимизни Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллиги байрами билан самимий табриклайди. Азиз ватандошларимиз доимо омон бўлишсин, булоқ сувларидек безубор қалблари шодликка тўлаверсин!

КИТОБХОНЛИК

**ДОИМ БАЙРАМ
ҚИЛСИН ТИНЧЛИК,
ЭЗГУЛИК!**

Мустақиллик шарофати билан жаҳон адабиёти намуналаридан Ватан, миллий қадрият, урф-одатлар тараннум этилган дурдона асарлар ҳам она тилимизга ўғирлиб, зукко мухлисларга тортиқ этилмоқда. Шундай асарлардан бири таниқли авар шоири Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Доғистоним» китобидир. Ватан, миллат, тил, одамийлик каби инсоний қадриятларнинг бойишига ҳисса қўшадиган бундай асарларнинг ўқувчиси кўп бўлади, албатта.

Шоир Асрор Мўмин Расул Ҳамзатовнинг яна бир машҳур асари «Оналарни асранг» дostonининг таржимасини тугаллаб, «Янги нашр» нашриётида кўп нусхада китоб ҳолида чоп эттирди. Эндилда эзгу ниятли халқларнинг сеvimли шоирига айланган Расул Ҳамзатовнинг отаси Ҳамзат Цадаса васиятидан бошланиб, онаси Хандулай момо ва барча оналарга бағишланган мадҳия билан яқунланадиган бу дoston 1978 йилда рус тилида босилиб чиққач, кўлаб тилларга таржима қилинди ва қанчадан-қанча нуфузли мукофотларга муносиб кўрилди. Шу тариқа шоирнинг маҳорати ва ўзига хос адабий топилмаларини мужассас қилган бу асар умуминсониятнинг нодир мулкига айланди.

Дунёдаги азиз ва мўтабар зот — оналар улуғланган ана шу китобдан саралаб олинган ҳикматли сатрларни адабиёт ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

Бў сўзда мужассас дуо ва даъват.
Дунёнинг ишлари, қувонч-қайғуси.
Одамзод англаган биринчи ҳикмат,
Мурғак ёйлақларнинг ширин қулғуси.

Бир пайт қора сочи устига,
Ўрар эди сундай оқ рўмол.
Энди оппоқ сочи устига,
Ўрар олди қоп-қора рўмол.

Бўлишмади улар гирёна,
Ўзарига юктирмади зард.
Бу аёллар яшар мардона,
Ўшларини уллардан ҳам мард.

Тов опичлаб олган овул кўйида,
Яна янги ҳаёт қадам ташлади.
Авар гўзаллари бешик ёнида,
Ўшларини сўрб алла бошлади.

Акам олган кўни биринчи маош,
Соғва қилган эди онама рўмол.
Онам кўзларида кўрдим сеvimчи ёш,
Ахир, битта ўли топганди камол.

Сира оналарга ёмон сўз айтман,
Бўлиб кетсангиз дам жуда тошбашир.
Чунки оналарга ўзгалардан ҳам,
Фарзандининг сўзи ботади ошир.

Она кетса, қалба битмас жароҳат,
Она кетса, қалбни эвади қадар.
Оналарни асранг — бу мангу даъват!
Онанни асрагин фарзандсан магар!..

Одамлар! Қалбингиз қопламасин занг,
Қалранг вашият дар бир паллани.
Мунис оналарни асранг-авайланг,
Эслаб туринг, улар айтган аллани.

Ҳамзат сўзларини билар дар одам:
Учта яхши кўйиш бордир дунёда,
Оналар тўғизган учовини ҳам.
Кўйишқа таъриф йўқ бундан зиёда!

Асалдан ширинроқ нима бор, болам?
Онажоним берган иссиқ қулча нон.
Оналарнинг айтган аллалари ҳам
Қалблардан ўчмайди ўтса ҳам замон.

Товлардан сўрайман, бахтингни болам,
Юрар йўлинг бўлсин равон ва порлоқ.
Шундай дер эдилар менга ҳам онам
Ва дуо қиларди узундан-узюқ.

Майли, олиб келма жавоҳир, инжу,
Қўямат соваларинг менга керакмас.
Ўнумта, онага нодир соғва шу:
Ўли соғ-саломат, бахтли бўлса бас!

Онам кўкка қараб, қилди илтижо:
Балам бўлсин бургут ўғлим парвози.
Ҳамиша таратсин ажойиб наво,
Азиз Ватанини қўйлаган сови!

Сўрашар: ўйларга тузимасин чарқом,
Ишқилиб, бошлансин фаровон турмуш.
Болалар ўсисин соғлом ва қуноқ,
Дунёда ҳеч қачон бўлмасин уруш.

Она, тўрт ўғлингиз бўй чўяди ўктам,
Хурсандсиз, оқ ювиб оқ тараб бизни.
Ва лексин билмайсиз, кимлардир шу дам
Нишонга олмоқда қаламимизни.

Товларда сўймоқ тор, шу боис тоҳ-тоҳ
Сўймоқни талашиб қолар икки эр.
Наҳот бугун барча тутгандир яроғ,
Наҳот одамзотга торлик қилди ер?

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фарғона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси танлов савдоси эълон қилади

Объект номи:
Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Хўжанд кўчасидаги вилоят молия бошқармаси маъмурий биносини мукаммал таъмирлаш.
Муддати — 25.12.2012 й.
Бошланғич нархи — 159 312 720 сўм ҚҚС билан ва 132 760 600 сўм ҚҚСсиз.

Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзил: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй. Тел.8(373) 224-32-06.
Қурилиш ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдосида фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.
Талабдор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва қорхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй, телефон/факс: 224-18-71.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтигача қабул қилинади.
Таклифлар очилиш матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уйда ўтказилади.

Дуробод тумани Тиббиёт бирлашмаси жамоаси

юртимиз аҳлини ва мамлакатимиз меҳмонларини энг азиз, энг улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг 21 йиллик шодиёнаси билан самимий қутлайди.

Мустақил диёримизнинг барча гўшаларидан тинчлик-осойишталик аримасин, бунёдкор халқимиз ҳаммиса омон бўлсин!

**«ИСТИҚБОЛ
ЙЎЛИ»**

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги тантаналари арафасида таниқли шоир Зиёвуддин Мансурнинг «Истиқбол йўли» дostonи «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижод уйи томонидан босмадан чиқарилди.



Мустақиллик деган олий неъмат барча жабҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам истиқболнинг янги уфқларини очиб берди. Бунга мисол тариқасида истиқлол йилларида вилоятларда, унинг чекка-чекка ҳудудларида истиқомат қилиб, бадий ижод билан шуғулланаётган ижодкорларга ҳам катта эътибор қаратилиб, уларнинг асарлари нашр этилаётганлиги, нуфузли унвонлар, давлат мукофотлари берилётганлигини кўрсатиш мумкин.

— Иштирдори шоир, фаол жамоатчи Зиёвуддин Мансур ижоди ҳам айнан истиқлол йиллари рўёбга чиқди, қадрланди, эъзоз топди, — дейди мазкур китобга сўзбоши ёзган профессор Акмал Саидов. — Йиллаб сайқал топган, нашриётлар папкаларида сарғайган ижод намуналари мустақиллик йилларидан бошлагани китобларга айланди. Юзлаб шеърлари китоб бўлиб, таниқли санъорлар бисотидан, қатор шеърлари маънавий мулк сифатида зукко шеърхонлар қалбидан жой олди, кўлаб асарлари қорақалпоқ, рус, инглиз, урду тилларига таржима қилиниб, кенг оммага бориб етди. Ҳамиша ижод ва эл-юрт хизматида камарбаста бўлган бу нурли қисмат соҳиби бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида ҳам фаол иш олиб бориб, сайловчилар ишончига сазовор бўлмоқда.

Зиёвуддин Мансур томонидан мухлисларга ҳада этилган «Истиқбол йўли» дostonи ижтимоий-сиёсий публицистик руҳдаги, фалсафий мушоҳадага, теран умумлашмаларга бойлиги, лўнда ва равонлиги, ўқишли, ширадорлиги билан сиёсий лириканинг бетакрор намунаси.

Лобар РАҲИМЖОНОВА

«ШОВОТДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»

акциядорлик жамаияти жамоаси



Кўп миллатли халқимизга барчамиз урғун азиз бўлган Истиқлол байрами муносабати билан ўз табрикларини йўллаётганидан мамнундир.



Миллатлараро дўстлик, қардошлик, баҳалишхизматлик бундан-да мустаҳкам бўлаверсин!
Ўз меҳнати билан буюк келажакни яратётган халқимизнинг муваффақиятлари янада зиёда бўлсин!



▷ ОЛАМ СИНОАТЛАРИ

МАРСДА ИЛК БОР ИНСОН ОВОЗИ ЯНГРАДИ

Шу кунларда дунё аҳлининг эътибори Марсда кечаётган тадқиқот натижаларига қаратилган, десак хато бўлмайди. Мана бир ой нари-берисида "Қизил сайёра"ни тадқиқ қилиш бўйича АҚШнинг НАСА астронавтлари олиб бораётган изланишлар ҳақидаги шов-шувли хабарлар ОАВ саҳифаларидан тушмай келаётир.



Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида биз ҳам ўқувчиларимиз эътиборига Марс сатҳига қўндирилган "Curiosity" аппарати фаолияти, унинг ёрдамида ерга узатилган рангли фотосуратлар ҳақида маълумот берганидир. Ушбу экспедиция ас-лида асримизнинг 20 йилларига мўлжалланиб, бевосита инсон иштирокида ўтиши режалаштирилган эди. Бироқ, 2012 йилдаёқ бу лойиҳага қўл урилди. Август ойининг илк кунларида Марсга қўндирилган "Marsixity Curiosity" номли қурилма ўзининг муваффақиятли оидимларини бошлади.

Шу кунларда НАСА жамоаси яна бир тарихий воқеани нишонламоқда. Олимлар илк бор ўзга сайёрага инсон овозини эшиттиришди. "Салом, бу НАСА администратори Чарлз Боулден. Сиз-

лар билан Марс юзасига қўнган Curiosity қурилмаси имкониятларидан фойдаланган ҳолда гаплашмоқдаман. Мен НАСА оила аъзоларини, шунингдек, барча шерикларимизни Марсга қўйилган ушбу қадам билан табриклайман", — дея ҳамкасбларини муваффақият билан муборакбод этган нутқ "Қизил сайёра"да илк бор янгради.

Даставвал мазкур ускунага ташқи овоз кўчатиригичлар ёрдамида Ерга ёзиб олинган ушбу мурожаат узатилди. Сўнг марсаходда ўша аудиоёзув эшиттирилди ва яна қайта ерга узатилди.

Боулден ўз мурожаатида: "Марсаходни сайёрага қўндириш осон бўлмади, кўпчилик бунга уришиб кўришган, бироқ фақат Америкагина бу ишда илғорлаб кетди", — деди.

НАСА кўёш тизимини тадқиқ этиш дастури раҳбари Дэйв

Лэвери эса "Марсда янграган одам овози бу инсоннинг сайёрамиздан ташқарида ҳам мавжуд эканлигини исботлаш йўлидаги кичик бир қадам бўлди", — дея таъкидлади.

Бундан ташқари, қурилма камералари марсаход яқин орада бориши лозим бўлган, Гейл кратери марказида жойлашган Шарп тоғи этакларини ҳам суратга олиб, Ерга жўнатган. Бу тоғ 10 километр узокликдаги масофада жойлашган.

Хозир "Қизил сайёра"да сайр қилиб юрган мазкур аппарат фаолияти икки йилга мўлжалланган. Аммо унинг имкониятлари бир неча йилларга ҳам етиши кутилмоқда. Мутахассислар унинг лазер аппарати ишлайётганига, филдираклари ҳар қандай йўналишда ҳаракатлана олишига ишонч ҳосил қилишди.

Эндиликда марсаход овозларни қай даражада қабул қилаётгани ҳамда жараёнда ўзи ёзиб оладиган Марсдаги овозларни яхши эшиттира олиш-олмаслиги текширилмоқда.

НТВ.нинг хабар беришича, айти дамда тадқиқотчилар маълумотларни ёзиб олиш ва узатиш тизимини назоратдан ўтказишмоқда. Маълум қиламиз: кема "Қизил сайёра"даги 2 йилга мўлжалланган фаолиятини шу йил 6 августдан бошлаган. Қисқа муддатда мутахассислар қурилманинг Марсда ҳаёт нишонларини топишда кўмаклашадиган турли қурилмалар ишлаш фаолиятини ҳам назоратга ола билдилар.

Сўнги хабарларга қўра, Curiosity илк мартаба қўнган жойидан 400 метр узокликдаги масофага йўналтирилди.

Гузэл МАЛИКОВА
тайёрлади.

Бизнес доиранигни кенгайтириш
имкониятлари бор!



Агробанк мижозига
айланинг ва халқаро иқтисодий
муносабатларингни кенгайтиринг

www.agrobank.uz



Хизматлар лицензияланган

барча юрtdошларимизни соҳа меҳнаткашларини
Энг азииз, Энг улуғ байрам —
Мустақиллитимизнинг 21 йиллиги ҳамда
Нефть ва газ ходимлари кунини
муносабати билан чин дилдан муборакбод этади.

Ўтган йиллар мобайнида жонажон Ўзбекистонимиз асрларга тенг ютуқларни қўлга киритиб, улкан муваффақиятларга эришди. Айниқса, нефть ва газ саноати соҳасида олиб борилган изчил сиёсат ва эътибор бугунга келиб ўз натижаларини бермоқда.

Бунда соҳа ходимларининг муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлаш жоиз. Юртимиз ҳамиша тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Байрам муборак, азииз ҳамкасблар!



FNQIZ

Фарғона нефтни
қайта ишлаш заводи

ЖАМОАСИ

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:

Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир хайъати:

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғуллом МИРЗО
Феруза
МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38,
236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими:
236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят муҳбирлари:
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — (+99891)-672-82-33.

Таҳририятга келган хатлар
доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528



Индекс:
якка обуначилар ва
ташқилотлар учун — 233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» наприёт-матбэа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи:

Жобир ХУЖАҚУЛОВ

Топширин вақти — 21 00
Топширилди — 20 00

Алади: 6457 Буюртма — Г-955 1 2 3 4 5